# ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Қадрдон ўртоқ Новотний!
Қадрдон ўртоқ Ленарт!
Ҳурматли ўртоқлар, дўстлар — Прага шаҳрининг аҳолиси!

Совет Иттифоқининг партия-ҳукумат делегацияси Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан қардош Чехословакияга келди. Биз ана шу дўстона таклиф учун самимий миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Партиямиз Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми номидан, Совет ҳукумати номидан, бутун совет халқи номидан чехословак дўстларимиз ва қардошларимизни қизғин табриклашимга ва социализм қурилишида янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Биз, совет халқи вакилларини ғоят самимий, чинакам қардошларча кутиб олганликлари учун ажойиб пойтахтингиз — Прага аҳолисига чин кўнгилдан ташаккур билдиришга ҳам ижозат бергайсиз.

Биз Словакия миллий қўзғолонининг йигирма йиллигига бағишланган тантаналарда сизлар билан бирга иштирок қилишимиздан хурсандмиз. Бу кун фашизмга қарши биргаликда олиб борган курашимизда шонли воқеадир, бу курашдаги қардошлигимиз ва бирлигимизнинг байрамидир.

Ана шу қаҳрамонона кунлардаги қонли жангларда халқларимизнинг жанговар дўстлиги ва қардошлиги , қандай чиниққанлиги, келажакдаги озод социалистик Чехословакия пойдевори қандай қурила бошлаганлиги ҳаммамизнинг эсимизда. Шу сабабли биз Словакия қўзғолонининг шонли йигирма йиллигини чехословак халқининг озодлик курашидагина эмас, балки совет—чехословак дўстлигини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа деб билиб нишонламоқдамиз.

Словакия тупроғида кўп миллатларга мансуб халқлар бир ёқадан бош чиқариб жанг қилдилар. Ана шу жанговар ҳамдўстлик озодлик ва мустақиллик учун курашда бирлашган халқлар ҳамжиҳатлиги жипслигининг ажойиб намунаси сифатида тарихга ёзилиб қолади.

Ҳалок бўлган жангчилар ва партизанларнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланади. Бизнинг болаларимиз, бизнинг авлодларимиз ўз жонларини халқ озодлиги ва бахти учун фидо қилган қаҳрамонларни чуқур мамнуният билан эсга оладилар. Улар абадий барҳаёт кишилардек коммунизмнинг нуроний дунёсига кирадилар.

Халқларимизнинг фашизмга қарши озодлик урушидаги буюк зафарлари, уларнинг тўккан қонлари ва берган қурбонлари беҳудага кетмаганлигини англаш қувончлидир. Социалистик Чехословакия халқлари озод турмуш кечира бошладилар, уларнинг келажаги бундан ҳам гўзалдир.

Чехословакия халқи йигирма йилдан буён социализм йўлидан бормоқда. Сизнинг самимий дўстларингиз бўлмиш совет кишилари янги ҳаёт қурилишида эришган муваффақиятларингиз билан астойдил қувонмоқдалар. Социализм Чехословакиянинг экономикасини ғоят кучли суратда юксалтирди: саноат ишлаб чиқаришининг урушдан аввалги даражаси тўрт ярим баравардан зиёд ўзиб кетилди. Миллий даромад кейинги ўн беш йил ичида 2,6 баравар ўсди. Ваҳолонки, Чехословакия урушдан илгари ҳам саноати ривожланган мамлакат эди. Эндиликда социалистик Чехословакия ишлаб чиқарувчи кучларни ғоят кучли суратда ривожлантириш, экономикани юксалтириш, маданиятни равнақ топтириш, янги жамият қураётган меҳнаткашлар ғоявий жипслигининг ёрқин намунаси бўлиб қолди. Чехословак халқи эришган катта ғалабалар Чехословакия шонли Коммунистлар партияси ва унинг чехословак ҳамда халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби ўртоқ Антонин Новотний бошчилигидаги Марказий Комитетининг тўғри сиёсати ва моҳирлик билан қилаётган раҳбарлиги туфайли қўлга киритилди. Совет кишилари қардош Чехословакия халқларининг социалистик қурилиш улуғ ишида янгидан-янги катта муваффақиятларга эришувларини астойдил тилайдилар.

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи билан Чехословакия ўртасидаги муносабатларни давлатлар ўртасидаги чинакам тенг ҳуқуқли, социалистик муносабатларнинг ажойиб намунаси деб ҳақли суратда аташ мумкин. Ҳаётнинг ўзи социализм мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаат келтирадиган актив ҳамкорлик зарур эканлигини таъкидлаб турибди. Текшириб кўрилмаган йўллардан биргаликда бориш осонроқ ва қийинчиликларни бартараф қилиш енгилроқ бўлади. Тарихий тажриба якка-якка яшашдан кўра ягона оила бўлиб яшаш енгилроқ бўлади, деб таълим беради. Коллектив бўлиб ҳаракат қилиш, социализм мамлакатлари ўртасида меҳнатни оқилона тақсимлаш — социалистик системанинг капитализмга нисбатан ҳал қилувчи афзалликларидан биридир. Бу афзалликлардан фойдаланмаслик социализм ишлаб чиқарувчи кучларининг тараққиётига сунъий равишда тўсқинлик қилиш бўлур эди.

Биз чуқур мамнуният билан шуни қайд қиламизки, Совет Иттифоқи билан Чехословакия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик йил сайин муваффақиятли суратда ривожланиб бормоқда ва коммунизм сари олға қараб биргаликда қилаётган ҳаракатимизни тобора тезлаштирмоқда. Чехословакия ишчиларининг меҳнатсевар ва моҳир қўллари билан тайёрланган чехословак машина ва ускуналари Москва ва Ленинград, Украина ва Закавказье, Болтиқ бўйи республикалари ва Сибирдаги корхоналарда ўрнатилганлигини эшитиш сизлар учун ғоят кўнгилли бўлади, деб ўйлайман. Сизлар ясаган электровозлар ва земснарядлар Волгада, Ангарада ва Енисейда ишлаб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилаётган толмас сайёҳларингиз Иржи Ганзелка ва Мирослав Зикмундлардан сўраб кўрингиз ва улар совет кишилари ҳамкорлигимиз тўғрисида, Чехословакиянинг ажойиб машина-ускуналари тўғрисида ғоят самимият билан юксак баҳо бераётганликларини сизларга айтиб берадилар.

Биз Чехословакиядан химия машинасозлиги маҳсулотини бажонидил сотиб оляпмиз. Бу маҳсулот халқ хўжалигини химиялаштиришда бизга жуда катта ёрдам беради, халқ хўжалигини химиялаштириш эса коммунистик қурилиш соҳасидаги энг муҳим вазифаларимиздан бири эканлигини биласиз. Кейинги ўн беш йил ичида мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ ҳажми қарийб етти баравар ўсди. Ҳозирги вақтда Чехословакия савдо-сотиқ соҳасида бизнинг энг муҳим шеригимиз бўлиб қолди ва Совет Иттифоқининг ташқи савдосида иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Совет Иттифоқи эса Чехословакияга хилма-хил машина ва ускуналарни, темир руда ва нефть, пахта, дон ва бошқа кўпгина товарларни етказиб бермоқда.

Бизнинг партияларимиз иқтисодий ва маданий қурилиш тажрибасини кенг кўламда айирбошлаганида шу нарсага асосланадиларки, мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлиги ва бир-бирларига ёрдами социалистик ва коммунистик қурилиш суръатларини анча тезлаштиради. Бу ҳеч шубҳа қилиб бўлмайдиган тарихий фактдир.

Мисол учун бизнинг мамлакатимизни — Совет Иттифоқини олиб кўрайлик. Ҳаммага маълумки, бизга социализмни якка ҳолда узоқ вақт мобайнида, асосий капиталистик давлатларнинг шиддатли иқтисодий қамали шароитларида қуришга тўғри келган эди. Биз ташқаридан ёрдам ва мадад олишга сира ҳам умид қила олмас эдик ва мададгина эмас, балки капиталистлар билан холисона ҳамкорлик қилишга, улар билан гарантияланган савдо-сотиқ қилишга ҳам умид боғлай олмас эдик. В. И. Ленин ўша йиллари жуда хафа бўлиб айтган эдики, маданий давлатларнинг бирортаси ҳам бизга ёрдам беришни хоҳламаётир. Бунинг аксича, уларнинг ҳаммаси фақат бир нарсани — Совет ҳокимиятининг тезроқ гумдон бўлишини истар эдилар, улар бизга қарши шафқатсиз кураш олиб борган эдилар.

Буларнинг ҳаммаси жуда катта хўжалик қийинчиликларини вужудга келтирди. Бизнинг халқимиз бу қийинчиликларни социализм қурилиши жараёнида енгиб ўтишга мажбур бўлди. Биз текшириб кўрилмаган йўллардан бордик ва шу сабабли ишлаб чиқаришимизнинг харажатлари, зарур бўлган изланишлар ва тажриба қилиб кўришлар меҳнаткашларнинг зиммасига қўшимча юк бўлиб тушди. Биз буржуа мутахассисларининг меҳнатига олтин билан ҳақ тўлашга, фан учун уларга жуда қиммат ҳақ тўлашга, энг яхши озиқ-овқат маҳсулотларини болаларимизга бермай, уларга беришга мажбур бўлган эдик. Капиталистлар ҳар бир винтни, ҳар бир станокни бизга уч баравар қиммат сотар эдилар. Бизга мана шундай шароитларда социализм қуришга тўғри келган эди.

Социалистик система вужудга келиши билан аҳвол тубдан ўзгарди. Социалистик давлатлар эндиликда ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларини ва суверен ҳуқуқларини қатъий ҳисобга олган ҳолда ўз куч-ғайратларини оқилона тақсимлаш, социалистик меҳнат тақсимотини йўлга қўйиш учун тўла имкониятга эгадирлар. Бу эса умумий иқтисодий тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳар бир халқнинг турмуш даражасини ўстириш, коммунизм сари тез олға боришнинг битмас-туганмас манбаидир.

Ўз-ўзидан маълумки, социалистик мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимотини йўлга қўйиш оддий бир иш эмас. Бунда жиддий эътиборни талаб этадиган кўпгина қийинчиликлар ва катта проблемалар келиб чиқади. Аммо бу ўсиш қийинчиликлари, ҳамкорликнинг янги йўлларини, янги методларини, янги формаларини қидириб топишда рўй берадиган қийинчиликлардир. Бу қийинчиликлардан қўрқмаслик керак, уларни сабот-матонат билан бартараф қилиш керак.

Бизнинг олдимизда ҳамкорлик ва тараққиёт учун жуда кенг истиқболлар очилмоқда. Ҳозир мавжуд бўлган имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланиш керак, холос. Биз шундай қиладиган бўлсак, янада тез қадамлар қўйиб, олға бораверамиз.

Азиз ўртоқлар!

Биз, коммунистлар биргаликда ҳаракат қилиб, социализмнинг муҳташам биносини барпо қилар эканмиз, келгусига мўлжалланган планларни тузар эканмиз, биз дўстларимиз билангина эмас, балки душманларимиз билан ҳам иш кўришга тўғри келажагини асло унутмаслигимиз керак. Шу сабабли, биз мамлакатларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишимиз, социализмнинг ғалабаларини қўриқлашимиз, ер юзида тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишимиз лозим.

Халқлар урушнинг нималигини ўз тажрибаларидан яхши биладилар. Ҳозирги замон шароитида янги жаҳон уруши ўнгариб бўлмайдиган қандай катта фалокат келтириши, битмас-туганмас қурбонларга сабаб бўлиши биз учун тушунарлидир. Шу сабабли биз тинчликни таъминлаш замонамизнинг асосий, энг муҳим порблемаси, деб гапириб келдик ва бу гапни доим такрорлай берамиз.

Кейинги икки жаҳон уруши инсониятнинг бошига қандай кулфатлар солганлигини ўйлаб кўринг. Бу урушлар олтмиш миллион кишининг ёстиғини қуритди. Уларни ким ўлдирди? Уларни империалистлар, ҳарбийлар, ирқчилар, хуллас икки жаҳон урушини бошлаб берган қора кучлар ўлдирдилар. Ана шу кучлар ҳали яшаётган ва ҳаракат қилаётган экан, биз халқларимизнинг тақдирига, уларнинг келажагига тўла амин бўлолмаймиз. Тинчлик учун кураш — халқларнинг муқаддас бурчидир.

Ҳозирги пайт, албатта, 1914 йил ҳам эмас, 1939 йил ҳам эмас. Тинчлик ва социализм кучлари шу қадар ўсдики, улар халқаро миқёсда воқеаларнинг боришини тобора кўпроқ белгилаб бермоқдалар. Бу ҳол империалистларнинг кўнглини чоғ қилмайди, албатта, лекин улар ҳозирги жаҳонда таркиб топган кучлар нисбати билан ҳисоблашишга мажбурдирлар.

Тинч-тотув яшаш йўлида актив сиёсат ўтказилиши натижасида кейинги вақтлардагина халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган баъзи муҳим тадбирларни кўришга муваффақ бўлинди. Уч муҳитда ядро қуроли синовлари ўтказилмаётганига бир йилдан ортиқ вақт бўлди; ядро қуролини космосга чиқариш йўли бекитиб қўйилди; ҳарбий мақсадлар учун парчаланувчи материаллар ишлаб чиқариш қисқартирилди. Ўз-ўзидан маълумки, бу тадбирларнинг ҳаммаси мустаҳкам ва барқарор тинчликни ҳали таъминламаслигини жуда яхши англаймиз. Аммо, шундай бўлса ҳам, ана шу биринчи қадамларни табрикламай бўлмайди. Бу қадамлар ҳар икки томонда яхши истак бўлганида ҳатто энг мураккаб проблемаларни ҳам ҳал этиш мумкин эканлигини кўрсатади. Бу ҳол ақл-идрок сиёсати тантана қилишига, ядро зарядлари запаслари ўрнига давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш учун жуда зарур бўлган ишонч запаслари аста-секин кўпайиб боришига умид туғдиради.

Аммо биз воқеаларнинг ривожланиб боришини, албатта, эътибор билан кузатиб туришимиз керак, бир қанча давлатларда ва, аввало, Америка Қўшма Штатларида тинчлик манфаатларига ашаддий душман бўлган империалистларнинг кучлари яна активлашиб қолганлигини биламиз. Кейинги ойларда халқаро муносабатларда кескинликнинг яна кучайганлигини кўрсатадиган хатарли белгилар пайдо бўлиб қолди.

Америка империалистлари бир неча йилдан буён қаҳрамон Вьетнам халқига қарши босқинчилик уруши олиб бормоқдалар. Бутун жаҳон яқинда Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг соҳилларини бомбардимон қилганлигини эшитиб дарғазаб бўлди. Америка империализмининг жиноий ҳаракатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини бузиш ва бошқа давлатларнинг ишларига, қонунга хилоф суратда, аралашишдан бошқа бир нарса эмас.

Совет Иттифоқи барча социалистик мамлакатлар билан биргаликда Вьетнам халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган қаҳрамонона курашини тамомила қўллаб-қувватлайди. Биз, Америка империалистларининг агрессив хуружларини қатъиян қоралаймиз. Бу хуружлар тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишига таҳдид қиладиган ғоят жиддий оқибатларга сабаб бўлади. Вьетнам Демократик Республикаси қудратли социализм лагерига мансуб бўлиб, барча социалистик давлатлар уни ҳимоя қилиб чиқади.

Америка ҳарбийлари кейинги вақтларда Вьетнамга қўшни бўлган мамлакат — Лаоснинг ишларига ҳам аралашиш доирасини кенгайтириб юборди. Ўртоқлар, шуни очиқ айтиш керакки, Лаос проблемаеининг ҳал этилмаганлиги, бу мамлакатдаги турли сиёсий гуруҳлар ўртасида яна кескин кураш бошланганлиги АҚШ империалистлари иғвогарлик ишларининг бевосита оқибатидир. Улар Лаосда ўз таъсирларини сақлаб қолишни истадилар. Лаос халқи эса бунинг учун ўз қони билан, қишлоқ ва овулларнинг вайрон қилиниши билан хун тўлашга мажбур бўлмоқда.

Ўрта денгизнинг шарқий қисмида Америка Қўшма Штатларининг НАТОдаги кичик ҳарбий партнери — Туркия Кипр Республикасига ҳужум қилди. Туркиянинг ҳарбий авиацияси Кипр территориясини ваҳшийларча бомбардимон қилди. Бунинг натижасида тинч аҳолидан неча юзлаб киши — хотин-қизлар, қариялар ва болалар зарар кўрди.

Совет ҳукумати, совет кишилари кипрликлар тақдирига бефарқ қарай олмайдилар. Совет Иттифоқи жанубий чегараларимиз яқинида авж олиб кетиш эҳтимоли бўлган қуролли низо хавфига бепарво қарай олмайди. Биз, эсини еб қўйган баъзи кишиларни очиқдан-очиқ огоҳлантиришимиз керак: жаноблар, сизлар хатарли иш қиляпсиз, ҳали фурсат бор экан бу йўлингиздан қайтинг! Ҳар қандай агрессив ҳаракатлар, бундай ҳаракатларда бўлувчи кишиларни, халқаро босқинчилик ва муштумзўрлик ҳуқуқининг барча тарафдорларини шармандали фалокатга дучор қилиши мумкин.

Америка Қўшма Штатлари яқинда Куба Республикасига қарши зўрлик чораларини кўриш, шу жумладан унга қарши қуролли кучлардан фойдаланиш тўғрисида иғвогарлик руҳидаги қарорни Америка давлатлари ташкилоти кенгашига суқиб киргиздилар. Қўшма Штатлар Озодлик оролини иқтисодий блокада қилишга шу вақтгача барҳам берган эмас, ўз разведкачи самолётларининг иғвогарлик мақсадида Куба территорияси устидан учиб ўтишларини давом эттирмоқда. Улар муҳожир қуйқаларни Куба республикасидаги саноат объектларига ва аҳоли яшайдиган пунктларга босмачиларча ҳужум қилишга ундамоқдалар.

Шундай савол туғилади: Америка империалистларига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини сурбетларча поймол этиш ҳуқуқини ким берди? Куба Республикасидаги ижтимоий тузум уларга ёқмаяптими? Аммо, бу нарса иқтисодий санкциялар ва ҳарбий таҳдидлар учун ҳеч қандай асос бўлмайди. Мен бутун масъулиятни сезган ҳолда яна шу гапни айтишим керак: Куба ёлғиз эмас. Совет Иттифоқи, бутун социалистик ҳамдўстлик, барча прогрессив кучлар Кубага хайрихоҳ бўлиб, уни қўллаб-қувватлайдилар.

Конгода қандай воқеалар бўляпти? Конго халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун астойдил курашмоқда. Лекин ҳозирги вақтда Конго осмонида Америка ҳарбий самолётлари учиб юрибди. Америка империалистларининг чириб кетган режимларни ана шу тариқа беҳаё ва сурбетларча қўллаб-қувватлаётганлиги халқларни дарғазаб қилмоқда.

Низолар, кескинликнинг хатарли ўчоқлари жаҳоннинг турли районларида — Латин Америкасида ҳам, Европада ҳам, Осиёда ҳам, Африкада ҳам пайдо бўлмоқда. Ана шу барча низоларнинг манбаи битта, у ҳам бўлса, Америка империализмидир. Америка империализми илгари кўп марта қилганидек, ҳозир ҳам халқларнинг озодлик йўлидаги ҳаракатини бўғиб ташлашга уринмоқда.

Аммо, замонлар ўзгарди.

«Канонерка дипломатияси» вақтлари, «катта тўқмоқ сиёсати» вақтлари бутунлай ўтиб кетганлигини баъзи давлат арбобларининг эсига солиб ўтиш фойдадан холи бўлмас эди. Жаҳон жандарми мундирини ҳам тарих ахлатхонасига ташлаш вақти келган. Мен бирор кишини чўчитиш ниятида эмасман. Профилактика тариқасида шу нарсанигина айтмоқчиманки, халқларнинг миллий мустақиллигига, уларнинг ўз тақдирини мустақил ҳал этиш ҳуқуқига қасд қилмоқчи бўлганлар қақшатқич зарбага дуч келадилар. Халқлар империализм зулмига тоқат қилишни ортиқ истамайдилар ва улар буни кун сайин исбот қилмоқдалар. Биз шу нарсага аминмизки, жаҳон халқлари ўз хоҳишларини ҳукуматларга қабул қилдира оладилар, ҳаддидан ошиб кетган урушқоқ доираларни ажратиб якка қолдира оладилар ва халқаро муносабатларнинг ривожини тинч-тотув яшаш ҳамда ёппасига қуролсизланиш йўлига солиб юбора оладилар.

Биз, Чехословакия Социалистик Республикасининг қуролсизланиш проблемасини ҳал этишга қаратилган ҳаракатларига юксак баҳо берамиз. Биз бу соҳада 18 давлат комитетида бир-биримиз билан актив ҳамкорлик қилмоқдамиз. Ҳар бир киши дўстининг ёнма-ён турганлигини ҳис этаркан, бу ўртоқларча яхши ўзаро ёрдамдир. Халқаро майдондаги барча асосий проблемалар юзасидан мамлакатларимиз ўртасида шундай наф келтирадиган ҳамкорлик борлигини хурсандчилик билан қайд қиламиз. Биз, қуролсизланиш учун, Европада ва жаҳоннинг бошқа қисмларида ядросиз зоналарни вужудга келтириш учун, герман сулҳ шартномасини тузиш учун ва иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатиш учун биргаликда кураш олиб бормоқдамиз.

Европанинг марказидаги аҳвол кескинлашганлиги ва герман масаласининг ҳал этилмаганлиги муносабати билан чехословак халқи ташвишланаётганлигини совет кишилари жуда яхши биладилар. Империалистларнинг Мюнхенда тил бириктиришлари натижасида Чехословакия герман фашизмининг қурбони бўлиб қолганлиги каби шармандали факт ҳеч қачон инсониятнинг хотиридан кўтарилмайди. Шу сабабли, Чехословакия ва Европадаги бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари Ғарбий Германияда реваншчилик кайфиятлари жонланиб қолганлигидан ташвишланаётганликлари тушунарли бир ҳолдир.

Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан буён қарийб 20 йил ўтган бўлса ҳам, уруш вақтида ўт олган кўмир Европанинг қоқ марказида бурқсиб турибди, деб биз бир неча марта айтдик. Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар Ғарбий Германиядаги реваншчиларнинг бурқсиб турган ана шу кўмир чўғини аланга олдиришларига халақит бермоқ учун конкрет чоралар кўришни кўп марта таклиф этдилар. Аммо Европада кескинликнинг сақланишидан манфаатдор бўлган кучлар жаҳонда ҳали бор. Германия Федератив Республикасидаги энг агрессив реваншчи доиралар ана шу кучларнинг ҳомилигидан фойдаланиб, атом ва водород бомбасини олишга зўр бериб интилмоқдалар, худди қиморбозлардек ўз тақдирларини ҳарбий низода яна бир марта синаб кўрмоқчи бўладилар. Бу сиёсатдонлар тарих сабоқлари билан ҳисоблашишни истамаётирлар. Тарих сабоқлари Германия ҳарбий авантюралар йўлига ўтиш билан ҳеч нарсага эриша олмаслигини жуда яққол кўрсатди.

Иккинчи жаҳон урушининг якунларини ҳеч ким ўчириб ташлай олмайди. Варшава шартномаси мамлакатларининг бутун қуролли куч-қудрати бошқа социалистик давлатларнинг чегаралари каби Чехословакиянинг ҳаққоний чегараларини ҳам мустаҳкам суратда қўриқлаб турибди. Чехословакия чегараси — бизнинг умумий чегарамиздир. Биз жаноб реваншчиларга янги Мюнхен тўғрисидаги хаёллардан бутунлай воз кечишни маслаҳат кўрамиз.

Биз Европада мустаҳкам тинчликка олиб борадиган оддий ва равшан йўлни таклиф қилаётирмиз. Бу йўл — Германия масаласини тинч бартараф қилиш йўлидир. Ҳар иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси тузиш ва шу шартнома асосида Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш Европадаги ҳамма халқларнинг туб манфаатларига, Европа хавфсизлигини мустаҳкамлашга жавоб берган бўлур эди. Германия масаласининг бундай бартараф қилиниши герман халқининг миллий манфаатларига ҳам жавоб берган бўлур эди.

Ғарбий Германия арбоблари Европадаги реал вазиятни кўришга халақит бераётган боғични ўз кўзларидан олиб ташлайдиган вақт келди, улар буни аллақачон олиб ташлашлари керак эди. Германия Демократик Республикасини танимасликдан иборат ярокқсиз сиёсатни улоқтириб ташлаш, Хальштейннинг чирик доктринасини унутиб юбориш учун вақт келганига анча бўлди. Германия Демократик Республикасини ёпиб қўйиш мумкин эмас!

Ўртоқлар! Бутун планетада тинчлик кучлари уруш кучларига қарши, тараққиёт кучлари реакцияга қарши шиддатли кураш олиб бораётган ҳозирги вазиятда социализм мамлакатларининг бирлиги ва жипслиги айниқса жиддий аҳамият касб қилаётганлигини алоҳида исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Янги ҳарбий авантюралар йўлида социалистик ҳамдўстлик бош ва асосий ғов бўлиб турибди-ку. Шунинг учун ҳам Хитой раҳбарларининг кўпорувчилик бузғунчилик фаолияти бизни алоҳида хавотирликка, алоҳида ташвишга солмоқда.

Хитой Компартиясининг раҳбарлари марксчи-ленинчи партияларга ва қардош социалистик мамлакатларга қарши шиддатли сиёсий кураш бошлаб юбордилар. Буни илгари айрим хатолар ва тушунмовчилик деб ҳисоблаш мумкин эди, аммо энди Пекин раҳбарлари очиқдан-очиқ буюк давлатчилик, шовинистик йўлини ўтказиб келаётганликлари, улар ўзларининг шу мақсадлари учун халқаро коммунистик ҳаракатни парчалаб юборишга, социалистик ҳамдўстликни барбод қилишга тайёр эканликлари бизга мутлақо равшан бўлиб қолди. Социализм мамлакатларини бир-биридан ажратмоқ, улар орасига раҳна солмоқ ва улар ўртасида ишончсизлик туғдирмоқ учун Пекиндагилар ҳар бир қийин проблемадан фойдаланишга интилмоқдалар. ХКП раҳбарлари бизнинг иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлигимизни бузишга бор кучлари билан уринмоқдалар. Айни вақтда улар империалистлар билан тўғридан-тўғри тил бириктириш ўзларининг миллатчилик манфаатларига мос бўлиб тушадиган бўлса, бундай тил бириктиришдан қайтмасликлари ҳам очиқ кўриниб турибди.

Бизнинг устозимиз В. И. Ленин у ёки бу хил қарашларга, у ёки бу хил ҳаракатларга баҳо берганида, бу нарса кимга фойдали бўлиб чиқади, деб ҳамиша савол берар эди. Биз ҳам Ленин методологиясига амал қилиб, шундай бир савол берайлик: Хўш, Хитой раҳбарларининг ҳозирги сиёсий йўли кимга фойда келтиради? Халқаро ишчилар синфигами? Ёки, эҳтимолки, миллий-озодлик ҳаракатигами? Ёхуд тинчликсевар кучларгами? Йўқ, бу йўл фақат империализмга, халқаро буржуазияга фойда келтиради. Ҳамма гап мана шунда, ўртоқлар. Хитой Компартияси раҳбарлари ўтказаётган сиёсатнинг ҳақиқий моҳияти мана шунинг ўзида яққол кўриниб турибди.

Империалистлар ўзлари учун нималар фойдали эканлигини тушунадилар. Шунинг учун ҳам улар ХКП раҳбарларининг ҳозирги бузғунчилик йўлидан ўзлари қандай фойда чиқариб олишлари мумкинлигини дарҳол фаҳмладилар. Пекиннинг миллатчилик сиёсати социалистик ҳамдўстликни парчалашга, жаҳон социализмини заифлантиришга олиб келади, деган умидни эндиликда бизнинг синфий душманларимиз ўзларининг барча стратегик режаларига асос қилиб олдилар. Улар рўй берган келишмовчиликлар ва зиддиятлардан фойдаланишга уриниб ҳаракат қилмоқдалар.

Баъзи компартияларнинг сафларида Хитой бузғунчилари илҳомлантириб турган ички партиявий кураш реакциянинг меҳнаткашлар манфаатларига ҳужумга ўтишини осонлаштиради. Бир қанча мамлакатларда фашизм кучлари яна активлашмоқда. Империалистлар уруш хавфининг эски манбаларини қувватлашга ва янги манбаларини авж олдиришга интилмоқдалар. Америка империалистлари ва уларнинг буйруғини бажараётган Жанубий Вьетнам ҳарбийлари Шарқи-Жанубий Осиёда ўзларининг агрессив ҳаракатларини активлаштирганликлари ХКП раҳбарларининг бузғунчилик фаолияти натижасида вужудга келган қийинчиликлардан душманларимиз фойдаланиб қолишга интилаётганликларини яна бир марта кўрсатиб турибди.

Фактлар мана шундай. Мана шу фактларнинг ўзи Хитой бузғунчиларининг ҳақиқий башарасини ҳар қандай сўздан кўра яхшироқ кўрсатиб турибди.

Вужудга келган бу вазиятда марксчи-ленинчи партияларнинг, барча коммунистларнинг, социализм мамлакатларидаги барча гражданларнинг зиммасига жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлган вазифа тушмоқда. Хитой раҳбарларининг бузғунчилик ҳаракатларига ўзимизнинг бирлигимизни ва жипслигимизни, бир сафда боришимиз зарурлигини чуқур тушунганлигимизни қарама-қарши қилиб қўймоқдамиз. Эътиқодларимизнинг мустаҳкамлиги, дўстлигимизнинг маҳкамлиги ва чуқурлиги, пролетар интернационализмининг, марксизм-ленинизмнинг улуғ принципларига содиқлигимизнинг маҳкамлиги ва чуқурлиги жиддий имтиҳонлар даври бўлган ҳозирги вақтда синовдан ўтади.

Социализм мамлакатларининг бирлиги ва жипслиги, қардош мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда марксизм-ленинизм принциплари албатта тантана қилишига ишонамиз. Социализм тараққиётининг объектив қонунлари Хитой бузғунчиларининг ҳар қандай қаршиликларига қарамай, ўзига муқаррар йўл топиб олади.

Шу билан бирга, биз тарихий қонуниятларнинг таъсири натижасида ҳамма нарса ўз изига тушиб қолади, деб қўл қовуштириб кутиб ўтира олмаймиз. Коммунистик партияларнинг актив иш олиб бориши, қардош мамлакатлар ҳукуматларининг актив иш олиб бориши бирлигимизни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш учун зарур шартдир. Ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида ижодкорлик билан яратувчилик, конструктив иш олиб бориш социализм кучларини жипслаштириш ва мустаҳкамлаш учун курашдаги асосий қуролимиздир. Ташқи ва ички сиёсатдаги бош йўлимизнинг ҳақ йўл эканлигини фақат иш билан, социализм ва коммунизм қуришда янги-янги муваффақиятларга эришиш билангина исботлаш мумкин.

Азиз ўртоқлар! Халқларимиз жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Совет халқи коммунистик қурилиш программасини зўр ғайрат ва шавқ-завқ билан бажармоқда. Яқинда мен Совет Иттифоқининг районларини яна айланиб чиқдим, кўпгина жойларда бўлдим. Ҳамма жойда қизғин иш олиб борилмоқда: Совет мамлакати жуда катта қурилиш майдонига ўхшайди.

Ўтган ярим йил ичида халқимиз коммунизм сари яна бир қадам қўйди. Шу ярим йил ичида биз химия саноатида маҳсулот ишлаб чиқаришни 14 процент, қора ва рангли металлургияда 8 процент, машинасозлик саноатида қарийб 11 процент кўпайтиришга муваффақ бўлдик. Шу қисқа вақт ичида совет саноати маҳсулотнинг беш юзга яқин янги турларини — янги хил машиналар, асбоблар, транспорт воситалари, химиявий маҳсулотлар, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ўзлаштира олди. Бу — яхши кўрсаткичлардир. Булар биз бундан буён тағин ҳам тез суръатлар билан олға боришимизга ишонч туғдиради.

Ҳозир совет қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари ҳосил учун жангни поёнига етказмоқдалар. Бу йил ҳосил яхши бўлиши кутилади. Яқинда биз Қўриқ ўлкасининг далаларини айланиб чиқдик. Эндиликда бу ўлка жуда катта иқтисодий район бўлиб қолди. Ўн йил ичида бу ўлкада 19 миллион гектардан кўпроқ янги ер ўзлаштирилди. Қўриқ ўлкада кўп товар маҳсулот берадиган қишлоқ хўжалиги ва тез ривожланиб бораётган саноат авж олмоқда. У ерда 500 дан кўпроқ катта совхоз ташкил қилинди, электр ва газ билан таъминланган юзлаб янги посёлкалар қад кўтарди. Ўлканинг аҳолиси 1 миллион 600 минг киши миқдорида кўпайди.

Ўз-ўзидан равшанки, биз фақат ишлаб чиқаришнинг ўзини ўстиришнигина мақсад қилиб олган эмасмиз. Халқнинг эҳтиёжларини тўла таъминлаш бизнинг асосий мақсадимиздир, биз мана шу мақсадга интилмоқдамиз. Бу соҳада ҳам фахрланадиган ишларимиз бор. Сизларга шу нарса маълум бўлса керакки, СССР Олий Советининг кейинги сессиясида ўқитувчилар ва медицина ходимларининг иш ҳақини анча кўпайтириш, колхозчиларни пенсия билан таъминлашни жиддий равишда яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Партия ва ҳукуматнинг халқ турмушини яхшилаш тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги бу қарорда ўз ифодасини топди. Бизнинг йўлимиз мана шу, бизнинг бош йўлимиз мана шу!

Коммунизм йўлида тинч меҳнат билан шуғулланаётган совет халқи чет эллардаги ўз қардошларининг дўстлигини ҳамиша ҳис қилиб турибди. Чехословакия билан СССРнинг дўстлиги, халқларимизнинг дўстлиги — маҳкам ва бузилмас дўстлик. Бу дўстлик йилдан-йилга ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Зўр хурсандлик билан шуни қайд қиламизки, Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси бир сафда бормоқдалар, қўлни-қўлга бериб коммунистик жамият қурмоқдалар.

Ҳар иккала партиямиз марксизм-ленинизм таълимотининг улуғ принципларига оғишмай амал қилмоқдалар, улар бу таълимотнинг софлигини ҳамма турдаги оппортунистларга қарши курашда ҳимоя қилмоқдалар.

Совет ва чехословак коммунистлари ўртасидаги ғоявий ва сиёсий бирлик мавжуд, деб айтишнинг ўзигина кифоя қилмайди. У ёки бу хил масалаларни тушунишда бизнинг ўртамизда, ҳатто заррача фарқ ҳам йўқ. КПСС Марказий Комитети билан Чехословакия Компартиясининг Марказий Комитети ўртасидаги, мамлакатларимиз ва партияларимизнинг раҳбарлари ўртасидаги муносабатлар ҳамиша энг самимий дўстлик ва қардошларча амалий ҳамкорлик муносабатлари бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Биз шу нарсани айниқса хурсанд бўлиб қайд қиламизки, Чехословакия Коммунистик партияси пролетар интернационализми позицияларида қаттиқ турибди. Мана шуларнинг ҳаммаси Чехословакия Компартиясининг атоқли ташкилотчиси ва раҳбари қалин дўстимиз ўртоқ Антонин Новотний бошчилигида партиянгиз Марказий Комитети олиб бораётган жуда катта ишларнинг натижасидир.

Дўстлигимизнинг самаралари тағин ҳам кўпайиб кетишига ва мўл бўлишига аминмиз. Биз биргаликда бўлсак, тағин ҳам кучлироқ бўламиз ,биргаликда бўлсак, коммунизмга тезроқ борамиз.

Совет Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси халқларининг бузилмас дўстлиги абадий яшасин ва яшнасин!

Яшасин шонли Чехословакия Коммунистик партияси, унинг ўртоқ Антонин Новотний бошчилигидаги Марказий Комитети!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг улуғ дўстлиги!

Яшасин марксизм-ленинизм!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

* * *

Антонин Новотний ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг нутқлари жуда зўр эътибор бериб тингланди ва бир неча марта гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди. Нутқлар тамом бўлганидан кейин майдонда қизғин овация бошланиб кетди, «Совет Иттифоқи билан абадий биргамиз!», «Яшасин совет — чехословак дўстлиги!» деган хитоблар янгради.

СЛОВАКИЯ МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҚЎЗҒОЛОНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

# ОЗОДЛИК БАЙРАМИ

**Бундан йигирма йил муқаддам, 1944 йил 29 августда Ўрта, Шимолий ва Шарқий Словакиянинг турли бурчакларида революцион кураш чақириқлари янгради, қурол-аслаҳалар ишга тушди, халқ қўзғолони бошланди. Словакиянинг озод радиостанцияси словак халқининг қуролли кураш йўли билан фашизм устидан ғалаба қозониш кунини яқинлаштириш ва ўз озодлигини таъминлашга қаратилган чақириғини бутун жаҳон бўйлаб тарқатди. Оддий ишчи ва деҳқон, партизан ва солдат қуролли қўзғолонда иштирок этиб, ўз ватанини фашизм асоратидан озод қилишга бел боғлади. Фашизмга қарши бўлган курашга 60 мингга яқин словак солдатлари ва 15 минг кишидан ортиқ партизан иштирок этди.**

**Совет қўшинлари ва биринчи чехословак армия корпусининг Дукель довонида олиб борган шиддатли жанглари Ўрта Словакиядаги воқеаларга жанговар ва сиёсий жиҳатдан туртки бўлди.**

Словак халқи 1944 йилда қўлига қурол олиб, ўзининг моддий ва маънавий қашшоқликка олиб келган ўтмишига қарши кураш олиб борди ва шу билан бирга урушдан сўнг янги ҳаёт кечириш имкониятларини яратиб олди. Словак халқи янги ҳаётга биргина ўзи эмас, балки чех ватанпарварлари билан ёнма-ён туриб эришди. Партизанларнинг актив иштироки ва Совет Иттифоқининг беғараз моддий ёрдами қўзғолонда ҳал қилувчи роль ўйнади. Пролетар интернационализми принципларини амалга ошириш шиори остида олиб борилган озодлик ҳаракати эски буржуа ва фашизм позицияларини қулатиб, янги Чехословакия республикасида халқ-демократик тузумига пойдевор ўрнатишни, икки тенг ҳуқуқ миллат — чехлар ва словаклар давлатини барпо этишни таъминлади.

Словак халқи иккинчи жаҳон уруши мобайнида фашизмга қарши курашаётган халқлар орасида биринчи бўлиб, қўзғолон кўтарди. Бу қўзғолон натижасида 1944 йилда Словакия территориясида тарихда биринчи бўлиб, янги ҳокимият идеяси, халқ идеяси амалга оша бошлади. Словак миллий қўзғолони Чехословакиядаги миллий ва демократик революциянинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Айни вақтда ишчилар синфи Коммунистик партия раҳбарлигида фашизмга қарши курашда муҳим ғалабани қўлга киритди ва қўзғолон ишини ўз фойдасига ғолибона ҳал қилди.

Чехословакия халқи кейинги йигирма йил ичида мисли кўрилмаган ғалабаларни қўлга киритди. Айниқса халқ хўжалигини ривожлантириш ва Словакия экономикасини тараққий эттириш планлари Словакия қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. 1948 йил февралдан амалга оширила бошланган Словакиянинг индустрлаштириш плани биргина Словакияни эмас, балки бутун Чехословакия республикасини тараққий эттиришга олиб келди.

Словакияда ўнлаб янги саноат корхоналари билан бир қаторда янгидан-янги олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ва маданий-оқартув муассасалари қад кўтарди, кўплаб янги мутахассислар етиштирилди. Мисол учун биргина халқ маорифи соҳасини олиш мумкин. 1936—1937 йилларда Словакия территориясида фақатгина битта олий ўқув юрти — Братиславадаги Коменский номли университет бўлиб, унда 2264 студент таълим оларди. 1960—1961 йилга келиб, мамлакатда 16 та олий ўқув юрти ишга туширилди, уларда студентлар сони 20298 кишини ташкил этди.

Бугун, Чехословакия халқи учун тарихий ва шодиёна кунда мамлакатимиздаги барча халқлар билан бир қаторда серқуёш Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам қардош халқ эришган ютуқларга қувонмоқдалар ва коммунизм қурилиши йўлидаги олижаноб ишларида унга муваффақиятлар тиламоқдалар.

Ғ. СОЛИҲОВ,
М. ТУРСУНХУЖАЕВ.

